



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Қонунларнинг сифатини ошириш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш» мавзусида конференция ўтказилди.

ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида демократик талаблар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, муҳими, инсон манфаатларига хизмат қилаётган миллий қонунчилик асослари яратилгани алоҳида таъкидланди.

Қабул қилинаётган қонунлар сифати сезиларли даражада ошди, минтақалар, тармоқлар ва давлатнинг умумий манфаатлари мутаносиблиги тобора самарали таъминланмоқда. Шу билан бирга, қонунларимизда белгиланган ҳуқуқий нормаларни амалда қандай қўллаш лозимлигини кўрсатиб берувчи ҳуқуқий механизмларни, қонуности ҳужжатларини, содда қилиб айтганда, қабул қилинган қонунларни амалга ошириш механизмларини аниқлаб берадиган ҳужжатларни ўз вақтида қабул қилиш талаб этилмоқда.

Шу муносабат билан жорий йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилди. Натижада қонунчиликда айрим камчиликлар, жумладан, баъзи ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмагани ёки ҳанузгача амалга ошириш механизми билан таъминланмаган нормаларнинг мавжудлиги, бир қатор қонун нормалари орасида ўзаро номувофиқликлар борлиги аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш, қонунчиликнинг ҳисобини юритиш ва тизимлаштириш масалалари йигирмага яқин қонун ҳужжати билан тартибга солинган. Ҳуқуқий ахборот электрон шаклда тарқатилмоқда, ҳусусан, бундай ахборот интернет тармоғи орқали давлат органларининг расмий веб-сайтларида, шунингдек, бошқа ахборот тизимларида жойлаштирилмоқда. Бундан ташқари, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириб боришда телевидение, радио ва босма оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Конференцияда ҳуқуқий ахборотни тарқатиш билан боғлиқ бир қатор масалалар ҳам борлиги айтиб ўтилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказишни аниқ тартибга соладиган махсус қонун қабул қилиш зарурлиги таъкидланди. Бундай қонун ҳуқуқий ахборот тарқатиш тизимининг самарадорлигини оширишга ҳамда давлат органлари мансабдор шахсларининг бу борадаги масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири.



ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИМИЗ ВА ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ ИФОДАСИ

28 декабрь — Мустақиллик ва эзгулик монументи очилган кун

Бундан ўн йил муқаддам Мустақиллик майдонида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан халқимизнинг эзгу интилишлари ифода қилинган, ёш авлод қалби ва онгига истиқлол ғояларини, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини чуқурроқ синдиришга хизмат қиладиган Эзгулик аркаси бунёд этилиб, Бахтиёр она хайкали ўрнатилди.

Президентимиз Ислам Каримов 2005 йилнинг 28 декабрида Мустақиллик майдонида қад ростлаган янги монумент пойига илк бор гулчамбар қўйди. Давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан ушбу муаззам мажмуага хурриятнинг, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берилди.

Мустақиллик ва эзгулик уйғун тушунчалардир. Халқимиз учун мустақиллик — озодлик, тинчлик, ҳурлик, фаровонлик, ор-номус, эзгулик эса — меҳр-оқибат, маънавий баркамоллик дегандир.

Мана шу икки буюк қадрият замирида халқимизнинг асрий интилишлари, эзгу орзу-умидлари, бу мажмуанинг сиёсий ва инсоний маъноси яққол мужассам, десак хато бўлмайди. Олижаноб ниятлар билан янги оила қураётган минглаб ёш йигит-қизларимиз Мустақиллик майдонидаги Эзгулик арка-

сидан ўтиб, оқ поёндоз шаҳардаги кенг йўлакдан юриб, ушбу монумент пойига зиёратга келар экан, фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида ўзининг беғубор орзуларини кўргандек бўлади, деб таъкидлаган Юртбошимиз.

Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудда кенг қўламли қурилиш ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилди. Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин кўзгуси бўлган муҳташам меъморий иншоотлар, яшил майдон ва хийбонлар барпо этилди. Бундай катта бунёдкорлик ишлари туфайли бугунги кунда бу масканий қиёфа-си ўзгариб, бутунлай янгича маъно-мазмун касб этмоқда.

Майдоннинг кўрмига кўрк қўшиб турган бу обида, ундаги Ер кўрраси тасвирида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитасини кўрган юртдошларимиз онгу шуурида чексиз ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Фарзандини бағрига олиб турган бахтиёр она сиймосида мунис онасини, беғубор болалигини, баркамол авлодни тасаввур қилади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталган бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандининг бахтини, камолини ўйлаб, ҳам-

ша эзгу орзу-интилишлар билан яшайди, ўз зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди.

Мустақиллик майдони марказида Бахтиёр она хайкали қад ростлагани аждодларимиздан бизга ўтиб келатган азалий интилиш — соғлом авлод орзуси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланганини яққол ифода қилади. Зеро, Бахтиёр она — она Ватан рамзи. Бу тушунчанинг айнан она сиймоси орқали ифода этилиши, мамлакатимиз бош майдонинда Бахтиёр она хайкалининг барпо этилиши юртимизда онага, аёл зотиға ҳурмат-эҳтиром, соғлом авлод орзуси нақадар юксак даражага кўтарилганидан далолатдир.

Юртбошимиз ташаббуси билан кириб келатган 2016 йилга Соғлом она ва бола йили, деб ном берилганидан мақсад ҳам халқимизнинг барча орзу-хаваслари, ҳаётининг мазмуни бўлган соғлом ва баркамол фарзандлар тарбиясини янги босқичга кўтариш, уни бағрида ардоқлаб, эзгу фаилатлар руҳида камолга етказадиган аёл зотини улуғлаш, соғлом ва аҳил оилани эъзозлашдир.

Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимлар арафасида, мамлакатимиз спортчилари нуфузли халқаро мусобақалар олдидан ёки юртимизда йирик халқаро танлов

ва мусобақаларни ўтказиш арафасида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиш қўтлуғ анъанага айланди. Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли делегациялар ва бошқа юксак мартабали меҳмонлар ушбу обида пойига гул қўйиб, мустақил Ватанимизга ҳурмат бажо келтиради.

Мустақиллик майдонидан зиёратчилар қадами узилмайд. Мактаб ўқувчиларию талабалар, нуруний отахону онахонлар бу табарруқ масканда мустақилликнинг нақадар улуг неъмат эканини чуқур хис этади, бугунги тинч, фаровон ҳаётимиз учун шукроналар айтади. Эзгу ниятлар билан янги ҳаёт бўсағасига қадам қўётган келин-қуввлар Эзгулик аркасидан ўтиб, Бахтиёр она хайкали пойига гул қўйган, пок орзулар билан эртанги кунга қадам қўяди.

Муҳташам майдон, ундаги Мустақиллик ва эзгулик монументи ўзининг бетакрор қиёфаси, теран маъно-мазмун билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, ёруғ келажакка интилишининг ёрқин ифодаси сифатида барчамизни шу буюк Ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этаверади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Янгиликлар, Бунёдкорликлар, Хабарлар...

Бош арча

28 декабрь кuni очилади

Мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдони, Чилонзор тумани Алгоритм даҳасидаги «Roison elektroniks» корхонаси ҳудудида ва Хадра майдонида 28 декабрдан эътиборан Янги йилнинг катта байрам тантаналари бошланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, ҳозирда ҳар уч манзилда арчаларни ўрнатиш, савдо шохобчалари, турли аттракционларни жойлаштириш ишлари авжида.

Берилган маълумотларга кўра, Мустақиллик майдонида ўрнатилган арчанинг бўйи 26, диаметри 9 метрни ташкил қилади. Арча 1800 донга ўйинчоқ ҳамда «Тошшаҳарнур» ДУК томонидан чиқоқлар маржони билан безатилади. Шунингдек, майдонда 24 савдо ва 15 кичик савдо шохобчалари хизмат кўрсатади.

Байрам кунлари ушбу майдонларда юртимизнинг таниқли санъат усталари, ёш ижрочилар ва албатта, театр актёрлари иштирокидаги дастурлар ташриф буюрувчиларга шоду хуррамлик улашади.

11 ойда

саксон мингдан ортиқ иш ўрни яратилди

Самарқанд вилояти Матбуот уйида «2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш» дастурининг асосий йўналишлари ҳамда параметрларининг баҳарлилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Бу ҳақда «Зарафшон» газетаси хабар бермоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Бехзод Раҳматуллаев дастур доирасида бажарилган ишлар юзасидан маълумот берди.

Қайд этилишича, вилоятда ўтган 11 ойда барча манбалар ҳисобидан 86232 янги иш ўрни яратилди. Касб-хунар коллежларини битирган 58086 нафар ёшнинг 51137 нафари бандлиги таъминланди. Тижорат банклари томонидан ажратилган 32,8 миллиард сўм кредит маблағлари эвазига 2547 нафар битирувчи тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди. Қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида 1222 нафар битирувчи салкам 10,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилган.

2016 йилда

уч мингта электровелосипед ишлаб чиқарилади

2015 йилда ўз фаолиятини бошлаган «Кўшқўпиртехноимпекс» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган электровелосипедлар истеъмолчилар томонидан юқори баҳоланмоқда. Хоразм вилоят ҳокимлиги расмий сайти берган хабарга кўра, МЧЖ томонидан ҳозиргача савдо шохобчаларига замонавий аксессуарлар батареялари билан жиҳозланган 200 донга электровелосипед етказиб берилди.

Бу ерда касб-хунар коллежларини битирган кўплаб ёшлар иш билан таъминланган. Бугунги кунда улар электровелосипед тайёрлаш бўйича етарли тажриба тўплашди.

— 2016 йилда ҳам янги лойиҳалар амалга оширилади. Жумладан, уч мингта электровелосипед ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз, — дейди корхона раҳбари Мавлон Жуманиёзов. — Шунингдек, фаолиятимизни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратамиз.



Садоқат АХМАНОВА,
Яшнобод туманидаги
10 давлат нотариал
идораси нотариуси:

— Мен ҳомилдорлик ва туғиш таътилига чиққан эдим. Яқинда таътил муддати ниҳоятсизга етади. Иш жойимга борсам, раҳбаримиз ўрнимга янги ходим олганини айтди. Агар бирор ўрин бўлса, ўзимиз қақирамиз, деди. Шу ҳолат тўғрисида бу борада қонунчилигимизда белгиланган меъёрлар ҳақида билмоқчи эдим.

Дилноза Юлдашева, Тошкент вилояти.

— Юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга кенг имконият ҳамда шароит яратиш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келинади. Қонунчилигимизда ҳам уларга қатор қўлайлик ҳамда имтиёзлар белгиланган.

Саволга келадиган бўлсак, ҳомилдор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи томони-

дан бекор қилиниши мумкин эмас. Бу ҳақда Меҳнат кодексининг 237-моддасида белгиланган бўлиши мумкин. Фақатгина корхона фаолиятининг туғатиш ҳолатлари бундан мустасно. Ҳатто ушбу ҳолатда ҳам шартнома албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади.

Бундан ташқари, уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланган муассасалар ва ташки-

лотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади. Иш вақтининг қисқартирилган муддати чоғида уларга меҳнат ҳақи ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, аёл ўз хоҳишига кўра, болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлаш мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари сақланиб қолади. Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи сақланади.

Юқорида қайд этилган меъёрларга риоя қилинмаган корхона, ташкилот раҳбари ёки ходим жа-вобгар ҳисобланади.

Жорий йилнинг 9 ойида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзолари томонидан 2922 депутатлик сўрови юборилди. Уларда кўтарилган масалаларнинг аксарият қисми ижобий ҳал этилди.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА
ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИДА
қандай ўзгаришлар бўлади?



«Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳасининг натижалари таҳлил қилинди...

ЎЗХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Электрорат мурожаати ҳар хил

Бироқ улардан бирортаси ҳам эътиборсиз қолмаслиги керак

Халқимизнинг табиати шундай — ҳеч ким бирор идоранинг эшигини бесабаб тақиллатиб келмайди. Зарурат туғилмаса, муаммосини ошкор қилмайди. Кимдир мутасадди идоранинг эшигига келиб ёрдам ёки маслаҳат сўрабдими, уни қандайдир савол ёхуд масала ўйлантираётган бўлади.

Шунинг учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши бу масалага алоҳида эътибор қаратапти. Партия ташкилотлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти изчил йўлга қўйилмоқда. Мурожаатларга ҳамкор ташкилотлар ёрдамида ечим топишмоқда, фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат ва кўмак берилмоқда.

Мурожаатларга масъулият билан қараш партиянинг Жамоатчилик қабулхоналарига одамлар эътибори ва ишончини ошираяпти.

— Сиёсий партия ўз электрорати вакиллари манфаатини самарали ҳимоя этиши, одамларнинг кўнглига йўл топиши учун, аввало, уларни ташвиш қилаётган масалаларни чуқур билиб, ҳал қилиши керак, — дейди **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирохиддин Аъзамов**. — Айтиш кераки, ўтган йиллар давомида вилоят партия кенгашида бу борада ўзига хос тажриба тўпланди. Жойларда электрорат манфаатларини таъминлаш мақсадида 21 Жамоатчилик қабулхонаси фаолият юритмоқда.

Фуқаролар мурожаатлари партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар ҳамкорлигида ижобий ечим топишти, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммолари ҳал этилапти. Якунланаётган йилни сарҳисоб қиладиган бўлсак, ҳозирга қадар Жамоатчилик қабулхоналарига 776 мурожаат келиб тушди. Уларнинг 80 фоизи ижобий ҳал этилди. Айрим мурожаатлар бўйича юридик маслаҳатлар берилиб, қолганлари назоратга олинди.

Мурожаатларнинг асосий қисми коммунал хизматлар сифати, иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, банкдан кредит олиш масалалари билан боғлиқ. Албатта, мурожаатларда турли муаммолар кўтарилади, кенг қамровли саволлар ўртага ташланади. Шунинг учун турли соҳа мутасаддилари ва мутасаддилари билан доимий алоқа йўлга қўйилган. Мурожаатларни атрофлича

ўрганиб, ҳал этишда, айниқса, депутатларнинг хизмати катта бўляпти. Буларнинг барчаси одамларни ўйлантириб келаётган масалаларни ўз вақтида ва самарали ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Маълумки, партиямиз Сайловолди дастурида ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя каби халқ демократияси тамойилларига амал қилиш, давлат ҳокимиятининг сайланма органларида аҳолининг қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган бўлиб, — дейди **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири Фулом Ҳошимов**. — Демак, Сайловолди дастурида рўйб-га чикаришда Жамоатчилик қабулхоналаримизга келиб тушаётган мурожаатларни ҳал этиш долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Шундай пайтлар бўладики, фуқаро ўзини ўйлантираётган масала юзасидан кимга, қаерга мурожаат қилишни билмайди. Шуларни инобатга олиб, ўзимиз аҳоли орасига кириб боришимиз, уларга яқин бўлишимиз керак. Бу масалада чекка ҳудудларда ташкил этилаётган кўчма Жамоатчилик қабулхоналари жуда кўл келяпти.

Ҳафтанинг ҳар пайшанба ва жума кунлари партия кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатларимиз ўзаро келишган ҳолда, режа асосида ҳудуддаги маҳаллалар, айниқса, чекка қишлоқларда кўчма Жамоатчилик қабулхоналарини ташкил этишмоқда. Бу йил ушбу қабулхоналарга аҳоли томонидан 800 га яқин мурожаат бўлди. Шундан 148 таси коммунал, 50 таси уй-жой қуриш учун ёр ажратиш, 174 таси иш билан таъминлаш, 56 таси иш ҳақи, нафақа ва пенсияни ўз вақтида олиш масалаларида.

Айтиш кераки, мурожаатларни ўрганиш, самарали ҳал этишда Чирчиқ, Бекобод, Ангрен, Олмалик шаҳар кенгашлари ҳамда Охангорон, Похент, Чиноз, Юкори Чирчиқ, Зангиота, Қибрай,

Ҳозирга қадар Жамоатчилик қабулхоналарига 776 мурожаат келиб тушди. Уларнинг 80 фоизи ижобий ҳал этилди. Айрим мурожаатлар бўйича юридик маслаҳатлар берилиб, қолганлари назоратга олинди.



Санжар ШОТЎЛҲАҶОВ оған сурат.

ЎЗХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИГА МУРОЖААТ ҚИЛГАН ЭДИМ...

Жавлон Турғунов, Зангиота тумани, иккинчи гуруҳ ногирони:

— Тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолдим. Лекин ҳаётимдан ҳеч нолимайман. Ҳар доим меҳрибон ва самимий инсонлар атрофимда, қўллаб-қувватлаб, кўнглимни кўтариб юриди. Ҳозир уй шароитида устозларим математика, она тили, тарих, инглиз тили ва бошқа фанлардан сабоқ бермоқда. Аниқ фанлардан кўпроқ қизиқаман. Келажакда маиший техникаларни таъмирловчи уста бўлмоқчиман.

Шу йил август ойида Ўзбекистон ХДП Зангиота туман кенгашининг Жамоатчилик қабулхонасига протез оёқ мосламасини олиш учун ёрдам сўраб мурожаат қилгандим. Туман кенгаши раиси Моҳира опа мурожаатимни ўрганиб чиқиб, протез мосламаси олишда ёрдам берди.

Алимардон Абдирашидов, Зангиота тумани:

— Коллежни тамомлагач, чорвачилик билан шуғулланишга қарор қилдим. Бунга бизда имконият катта. Иш бошлашим учун менга дастлабки сарможа зарур эди. Шунини ўйлаб, Ўзбекистон ХДП Зангиота туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдим. Туман кенгаши яқиндан ёрдам берди, бизнес-режани «Микрокредитбанк» туман

филиалига топширдим. Орадан 15-20 кун ўтгач, менга 10 миллион сўм кредит беришди. Дастлаб икки бош қорамол, ем-хашак олдим. Мана, ҳозир улар тўрт бош бўлди. Ҳар кун 20 литрга яқин сўт олинапти.

Ҳафиза САЙИЛОВА, Чирчиқ шаҳри:

— Жорий йил август ойида Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига ишга жойлаштириш мақсадида ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Икки ҳафта ўтмай, шаҳар партия кенгаши раҳбари Дониёр Азизхўжаев кўнглимни қўлиб, иш топишганини айтди. Ҳозир шахримиздаги 4-мактабда тарих фани ўқитувчиси бўлиб ишлаяпман.

Юлдуз Эгамқулова, Юкори Чирчиқ тумани, биринчи гуруҳ ногирони:

— Ўзбекистон ХДП Юкори Чирчиқ туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига ногиронлик аравачаси олиш мақсадида ёрдам сўраб мурожаат қилган эдим. Бироз вақт ўтгач, мурожаатим Тошкент вилоят партия кенгаши томонидан қўриб чиқилганини айтди. Унга кўп кутганим йўқ. Эсимда, 25 август кунини ногиронлик аравачаси олиб келиб беришди. Катта раҳмат...

Бу каби миннатдорликлар тобора кўпайиб бораётганини айтган Жамоатчилик қабулхоналари хизмати катта бўлмоқда.

Меҳрож ДАРҲОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Қишлоқларда тиббий хизмат қандай йўлга қўйилган?

Халқ депутатлари Урганч туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи мазкур масалани ўрганиб чиқди



ЎЗХДП гуруҳи раҳбари Оллоберган Махмудов.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада кенгайтириш ва унинг сифатини оширишга, айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтиришга доир вазифалар кўзда тутилган.

Атрофга қараб, ҳаётни кузатиб, ҳар хил воқеа-ҳодисаларга дуч келамиз, турфа хил одамларни учратамиз. Оила-си мустаҳкам, бола-чақалари саломат, ҳаётдан рози одамларни кўриб, ўз-ўзидан кайфиятинг чоғ бўлади. Баъзан эса соғлигини тиклаш учун ўқдан, бу ёққа чиқиб юрган, на оиласида, на ишида ҳаловати бор одамларга дуч келсан. Саломатликда гап кўп, саломатлик — туман бойлиқ, деганлари шу бўлса керак, деб ўйлаб қолсан.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топириш учун, энг аввало, тиб-

бий маданиятни ошириш керак. Шунда одам ўз саломатлигига нима яхши ва ёмон таъсир этишига эътиборли бўлади.

2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши аҳоли саломатлиги, айниқса, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш борасида янада изчил чора-тадбирлар амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Конституциямизнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшаётган аҳоли, аввало аёллар учун ижтимоий, маиший, тиббий нуқта назардан зарур шароитларни яратиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини янада кучайтириш, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарасини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият беришимиз кераклигини таъкидлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада кенгайтириш ва унинг сифатини оширишга, айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтиришга доир вазифалар кўзда тутилган. Шундан келиб чиқиб, партия

ташкилотлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда тиббий акциялар, саломатлик тадбирлари, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини асраш масалаларида турли тадбирлар ўтказиб келмоқда. Соҳага тегишли қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бўйича депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатишга эътибор қаратмоқда.

Халқ депутатлари Урганч туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи қишлоқ жойларда тиббий санитариya хизматини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганиб чиқди. Масала халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш, ёшлар сиёсати, соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқилди, сессия кун тартибига кириштириш учун тавсия этилди.

— Партиямиз Ҳаракат дастурида репродуктив саломатлигини яхшилаш, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш соҳасига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш маса-

ларини ўрганиш ва шу асосда доимий комиссиялар, сессияларга тақлиф-ташаббуслар билан қишлоқ кўзда тутилган, — дейди **халқ депутатлари Урганч туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи раҳбари Оллоберган Махмудов**. — Шундан келиб чиқиб, партиямиз гуруҳи йил бошидан қишлоқ жойларда тиббий санитария хизматини ривожлантириш масаласини ўрганди. Маълумотларга кўра, қишлоқлардаги мактаб, коллежларда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, туғма нуқсонларнинг олдини олиш масалаларида давра суҳбатлари, турли тадбирлар, малакали мутахассислар билан ўқувчилар мунтазам ташкил этилмоқда. Кексалар, фертил ёшидаги аёллар, болалар ва ўсимирлар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Қишлоқларда тиббий санитария ёрдамида фойдаланиш имкониятлари кейинги вақтларда бирмунча яхшилانган бўлса-да, ўрганишлар натижа-сида баъзи қишлоқ врачлик пунктларида шифокорлар етishмаслиги, тиббий аппаратлар таъмирталабчилиги аниқланди.

Шунингдек, айрим қишлоқ врачлик пунктларида сув, электр энергиясидан фойдаланиш масаласини кўриб

чиқиш зарурати юзага келган. Бу вазифалар самарали ҳал қилинмаслиги тиббий хизмат сифатига таъсир қилади, албатта. Шунинг учун Урганч туманида қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини таҳлилий кўриб чиқиш, уларни замонавий диагностика ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш масалаларида бир қатор тақлифлар ишлаб чиқилди. Мутасадди ташкилотлар вакиллари маълумотлари, фикр-мулоҳазалари ҳам ўрганилди.

Айни пайтда камчиликларни бартараф этиш, ОИВ, ОИТС касалликларининг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш борасида амалий ишлар олиб боришмоқда.

Шаҳарда яшайдиган киши саломатлигига муаммо сезса, дарров яқин-атрофдаги шифохонага боради. Қишлоқларда эса қишлоқ врачлик пунктлари одамлар жонига оро қиради. Демак, у ерда зарур шарт-шароитлар яратилиши аҳоли саломатлиги, оналар ва болалар соғлом бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁШЛАР БАНДЛИГИ

Ҳар бир йигит-қиз катта ҳаётга қадам қўяр экан, ўз ишига эга бўлишни, куч ва билимини ўз оиласи фаровонлиги йўлида сарфлашни, эл-юрт равнақига ҳисса қўишни истайди. Бу жараёнда, албатта, уларни қўллаб-қувватлаш, орзу-ниятини рўйбга чиқариши учун шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Коллеж битирувчиси

қаерда, қандай шароитда иш бошлаши унинг кейинги тақдирини ҳал этади

Шу боис янги иш ўринлари яратиш, бу борадаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Бундан қўзланган асосий мақсад ҳар бир оила, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, ёшларнинг эртанги кунга, ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатига йиғилганлар шу масалада атрофлича фикр юритишди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва уларнинг бандлигини таъминлашнинг долзарб масалалари бўйича вазирлик ва идоралар, банк-моллия тузилмалари мутасаддилари, касб-хунар коллежлари раҳбарлари ўзаро фикр алмашишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1500 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицей фаолият юритмоқда, уларда бир ярим миллионга яқин ўқувчи таҳсил олади. Уларга пухта билим бериш, ўқувчиларнинг давомати, фанларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш амалиётини муваффақиятга ўтатиш, битирувчиларини ўқу томонлама шартнома асосида ишга жойлаштириш каби долзарб масалалар юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, ҳар йили умумтаълим мактаблари 9-синф ўқувчиларининг қизиқиш ва интилишлари ҳамда меҳнат бозоридagi эҳтиёждан келиб чиқиб, коллежлардаги йўналиш ва иқтисосликларга ўзгаришлар киритилипти. Бу корхоналарни зарур мутахассислар билан таъминлаш имконини бермоқда. Шунингдек, коллежларда ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти самарали йўлга қўйилипти, корхоналар ва коллежлар ўртасида узвий ҳамкорлик юзга келмоқда. Буларнинг барчаси битирувчилар бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Депутатлар коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш қарорларини мустаҳкамлаш, бу борада мутасадди идоралар, иш берувчилар масъулияти ҳамда жавобгарлигини кучайтириш мақсадида меҳнат қончилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга риоя қилиниши зарурлигини алоҳида қайд этишди.

— Бугун коллежни тамомлаётган битирувчиларнинг ҳаётга муносабати шаклланишида у қаерда, қандай шароитда иш бошлаши катта аҳамиятга эга, — дейди **Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси, ЎЗХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев**. — Демак, ёшларни иш билан таъминлашга ҳар биримиз масъулмиз ва бунга бефарқ қарашга ҳақимиз йўқ. Менимча, коллеж битирувчиларини кўпроқ барқарор иш ўринларига жойлаштириш, амалиёт учун керакли шароит яратиш, айниқса, шу масалада ёшларга ғамхўрлик қилиш, меҳр кўрсатиш, меҳнат ярмаркаларини барча ҳудудларда тизимли ташкил этиш ишларини янада кучайтириш, бу борада маҳаллий ҳокимликлар, солиқ, банк-моллия тузилмаларининг масъулиятини ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Давра суҳбати якунида бидирилган фикр-мулоҳазалар асосида тегишли қарор қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИНИНГ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ НИҲОЯТДА МУҲИМ. АЙНАН УЛАР АҲОЛИНИ ТАШВИШЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИГА ҲАР ТОМОНЛАМА КЎМАК БЕРАДИГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАРДАН БИРИДИР. ДЕМАК, ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ВА ДЕПУТАТ ҲАМКОРЛИҚДА ИШЛАСА, БУНДАН АНИҚ ВА ЯХШИ НАТИЖАНИ КУТСА БЎЛАДИ.



ДЕПУТАТЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, БУГУНГИ КУНДА АКСАРИЯТ ДЕПУТАТЛИК СЎРОВЛАРИГА ЎЗ ВАҚТИДА ЖАВОБ БЕРИЛЯПТИ. КЎТАРИЛГАН МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ЖИДДИЙ ЁНДАШИЛАЁТГАНИ БУ БОРАДА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ИДОРАЛАРИ, КОРХОНА-ТАШКИЛОТЛАР МУТАСАДДИЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ КУЧАЙИБ БОРАЁТГАНИНИ ҲАМ АНГЛАТАДИ.

Ҳар бир сиёсий партиянинг мамлакатдаги барқарорликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигига эришиш, сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш бўйича ҳаётий таклифлар бериши долзарб аҳамият касб этади.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 26-dekabr. Shanba
154 (32.057)-son
www.uzbekistonovozi.uz

3

ЯНГИЛИКЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги 2015-2017 йилларда Сирдарё вилоятининг sanoat salohiyatini yanada oshirish, zamonaviy xizmat kўrsatish va ekoturizm ob'ektlarini barpo etish dasturi tўg'risidagi qarori asosida viloyatda 231 loyiha amalg'o oshirish chora-tadbirlari belgilangan. Bu haqda Sirdarё viloyat hokimligi rasmiy sayti xabar bermoqda.

Экспортчи корхоналар сони ортмоқда

Жорий йилнинг 1 октябрга қадар 32 лойиҳа ўзлаштирилиб, жойларда 635 янги иш ўринлари яратилди. Sanoat sohasida 19, servis sohasida 3 va qishloq xojaligi sohasida 10 loyiha amalga oshirildi. Shuningdek, loyiخالарни rўёbga chikarish, ўzlashtirish bўyicha 2015 йилнинг учинчи чорак режаси 290,9 foizga bajarildi.

Амалга оширилаётган лойиҳалар натижасида жорий йилда вилоятда экспортчи корхоналар сони 11 тага етди. Zamonaviy uskunalar bilan jihozlangan ushbu korxonalar tomonidan ip-kalava, ipak mato, pайпоk, сочиk сингари махсулотлар ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинмоқда.

Шу кунларда Гулистон ва Янгиер шаҳарларида тадбиркорлик субъектларига комплекс хизмат кўрсатадиган «Бизнес марказ»ларни ташкил этиш ишлари якунланмоқда.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида

ҳайдовчилик гувоҳномалари тан олиниши ҳақида битим имзоланди

24 декабрь куни Ўзбекистон билан Корея ўртасида ҳайдовчилик гувоҳномаларини ўзаро тан олиш ва алмаштириш тўғрисидаги Битим кучга кирди. Бу ҳақда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати хабар бermoқда.

Мазкур битим 2015 йилнинг 28 майда Сеул шаҳрида имзоланган бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари назарий ва амалий имтиҳонлар топишмасдан ўз гувоҳномаларини Жанубий Корея ҳайдовчилик гувоҳномасига алмаштирганидан сўнг, Корея Республикаси ҳудудида транспорт воситаларини бошқаришлари мумкин.

Корея Республикаси ҳайдовчилик гувоҳномаси мамлакат ваколатли органи томонидан қўйилган апостиль ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги нотариал идора томонидан тасдиқланган ўзбек тилидаги таржимаси бўлган тақдирда, Ўзбекистон ҳудудида Ўзбекистон Республикаси ҳайдовчилик гувоҳномаси билан тенг равишда амал қилади.

Йилнинг энг яхши ихтиролари аниқланди

Тошкентда «Янги интеллект» аънанавий танловининг жорий йилги ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда «UZ24» хабар бermoқда.

Танловда «Энг яхши ихтиро», «Энг яхши фойдали модель», «Энг яхши sanoat namunasini» ва «Энг яхши дастурий махсулот» йўналишларида учтадан ғолиб аниқланди.

Хусусан, Тошкент давлат техника университети олимлари томонидан яратилган «Электр токини қўлланишга ўзгартиргич» номи ишланма жорий йилдаги энг яхши ихтиро деб топилди. Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти тадқиқотчилари ишлаб чиқарган «Занжирли узатма» номи лойиҳа энг фойдали модель, «Совпластитал» корхонасининг «Барг» безак идишлар тўплами энг яхши sanoat namunasini деб эътироф этилди.

«Энг яхши дастурий махсулот» йўналишида Тошкент ахборот технологиялари университети мутахассислари томонидан яратилган «Кардиологик сигналларни кiritиш, қайд қилиш ва ишлов бериш» тизими биринчи ўринга муносиб кўрилди.

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

ХОРВАТИЯ:

ЕТАКЧИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

социал гоялар тарафдори бўлди

Жорий йилнинг ноябрь ойида Хорватияда бўлиб ўтган парламент сайлови жараёнлари дунё оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди, атрофлича шарҳланди.

Умуман, ушбу мамлакатдаги сиёсий тизим ўзига хослиги билан ажралиб туради. Хорватия қонун чиқарувчи олий органи — парламент бир палатали бўлиб, 151 нафар депутат фаолият олиб боради. Мамлакатда сиёсий партиялар сони кўп. 2011 йилда ўтказилган сайловда 300 дан ортиқ сиёсий партия иштирок этган бўлса, бу йилги сайловда 166 партия ўз номзодини тақдим этди.

Сиёсий партиялар томонидан депутатликка 2311 нафар номзод кўрсатилди. Овоз бериш жараёнларида 3,8 миллион фуқаро иштирок этди. Сайлов участкаларида овоз бериш тонгги соат 7 дан кечки 19 гача давом этди. Сайлов комиссиясининг ҳисоб-китобларига кўра, Ватанпарварлар коалицияси парламентдан 61 ўринни эгаллаб, ғолибликни қўлга киритди. Социал-демократик гоялар тарафдори бўлган коалиция эса 55 депутатлик мандатига эга бўлди.

Сайловда учинчи натижани «МОСТ» сиёсий партияси қайд этди. Сиёсатшунослар фикрича, ушбу натижа ҳақиқий қўтилмаган ҳолат бўлди. Мазкур партия парламентда 19 ўринни олишга эришди. «МОСТ» сиёсий партияси

2012 йилнинг охирларида ташкил этилган, ўз сайловолди дастурида асосан иқтисодиётни ислоҳ қилиш, ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг иқтисодий ҳамда сиёсий фаоллигини ошириш масалаларини илгари сурган.

Сайловда жами сайловчиларнинг 60,14 foizi овоз берди.

Агар эътибор қаратадиган бўлсак, сиёсий партиялар сайловолди кампанияси давомида бир-бирдан қизик ва ўзига хос дастурлар, таклифлар билан чиқди. Хусусан, социал-демократлар иқтисодиётни янада ривожлантириш, солиқларни камайтириш, товар экспортини 30 foizgacha oshirish, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражаси ва ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш, бюджет дефицитини қисқартириш, шунингдек, таълим соҳасига янги инвестицияларни жалб қилиш масалаларини ўз дастурларида баён этган эди.

Ватанпарварлар коалицияси ҳам бир қатор гояларни илгари сурди. Ми-



хайтириш, бюджет дефицитини қисқартириш, шунингдек, таълим соҳасига янги инвестицияларни жалб қилиш масалаларини ўз дастурларида баён этган эди.

Ватанпарварлар коалицияси ҳам бир қатор гояларни илгари сурди. Ми-

сол учун, биринчи ўринда солиқларни камайтириш, 25 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, пенсия миқдорини ўртача ойлик иш ҳақининг 60 foizigacha oshirish, янги тузилган қалоклар учун минг евро миқдоридан маблағ ажратиш каби муҳим масалаларни ўртага ташлади. Сайлов натижалари шуни кўрсатдики, мазкур масалаларни аҳолининг кўпчилиги қисми қўллаб-қувватлади.

Бир қарашда ушбу икки сиёсий партия гоялари, дастурлари ўртасида жуда катта фарқ, тафовут йўқдек. Аксинча, бир-бирини ўлдириб турибди. Энг асосийси, уларнинг хар иккаласи аҳоли ижтимоий ҳимояси, иш ўринлари ташкил этиш, солиқларни

камайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратган.

Сайловда ғолиб бўлган Ватанпарварлар коалицияси, умуман, парламентдан ўрин олган хар бир сиёсий партия олдида муҳим вазифалар турибди. Чунки ушбу сайлов Хорватиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлганидан кейинги биринчи парламент сайлови ҳисобланади.

Умуман, хар бир сиёсий партиянинг мамлакатдаги барқарорликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигига эришиш, сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш бўйича ҳаётий таклифлар бериши долзарб аҳамият касб этади.

Нурали ОРИПОВ

ТАДБИР

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ

жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф қилинмоқда

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» мавзусида видеоконференция ўтказилди. Мазкур анжуман Хотин-қизлар қўмитаси, Бош прокуратура, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Республика Маънавият тарғибот, Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий марказлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова кириш сўзи билан очди. Унинг таъкидлашича, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан яратилган оналик ва болалик муҳофазаси қилиш миллий модели бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, умуммиллий ҳаракатга айланган «Соғлом она — соғлом бола» дастури ҳаётга изчил татбиқ этиб бoрилаяпти. Истиқлол йилларида мамлакатимиз дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қўлай шароитлар яратиш ва оналик муҳофазаси қилиш борасида етакчи ўринлардан бири-

ни эгаллаб турибди. Жаҳон рейтингига ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнталлигига кирди.

Яқинда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ҳисоботида 1990 — 2015 йилларда Ўзбекистонда оналар ўлими 33,3 foizgacha қисқаргани қайд этилди. Бугун мамлакатимиз хотин-қизлари тинч-омон, фаровон турмуш кечирмоқда. Буни барча оилалар ўз тақдирини мисолида кўриб, билди турибди. 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилиниши ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларини янги босқичга олиб чиқади. Анжуманда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан фикрлашилди.

— Бугунги онлайн мулоқотда соғлом турмуш тарзи, жисмоний маданиятни юксалтириш, оилавий спорт тадбирлари қўламини кенгайтириш, хотин-қиз мураббийларни рағбатлантириш, оналар ва болалар саломатлиги борасида жойларда амалга оширилган ишлар билан танишидик, — дейди **Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали етакчи мутахассиси Маҳбуба Қурбонова**. — Шу билан бирга, истиқболдаги вазифалар ҳусусида ҳам келишиб олинди.

Анжуманда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаоллигини оширишга оид тавсиялар берилди.

Озода БЕКМУРОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА

«O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI»
MILLIY AVIAKOMPANIYASIDAN
YANGI YIL SOVG'ASI!

O'zbekiston shaharlaridan Moskvaga boradigan va qaytadigan qatnovlarga tariflar pasaytirildi.



Maxsus tarif quyidagi qatnovlarda amal qiladi:

Toshkent/Samarqand/Buxoro /Qarshi/Farg'ona/Namangan /Andijon – Moskva

Pasaytirilgan tariflar bo'yicha aviachiptalarni sotish boshlandi va 2016-yilning 20-yanvariga qadar davom etadi. Joylar soni cheklangan.

Ma'lumot uchun telefon: (998 71) 140-02-00.
www.uzairways.com
Сертификат № СЭ1-0



Дунё

ҚОЧҚИНЛАР УМИДИ

оқланмади

Яқин Шарқ мамлакатларидан келган қочқинлар эндиликда бирин-кетин Австрияни тарк этмоқда. Муҳожирларнинг сўзларига қараганда, улар Австрияда бундай муносабатни кутмаган эди. Ғамхўрлик кўрсатилишига, ижтимоий муҳофаза яхши йўлга қўйилиши ва «қочқин» мақоimini олиш масаласи ҳам осонгина ҳал этилишига қаттиқ ишонишганди. Бироқ асл ҳолат улар ўйлаганчалик бўлиб чиқмади, дея хабар беради «The Local» нашри.



Австрия Ички ишлар вазирлиги маълумотларига қараганда, жорий йилнинг январидан ноябрь ойигача бўлган даврда 1,1 минг нафар косоволик муҳожир, 530 нафар ироқлик ва 120 нафар афгон ўз хоҳишига кўра Австрияни тарк этган.

Эслатиб ўтамиз: жорий йилда Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларидан Европада қочқинларнинг оммавий оқими юзга келгани боис, Европада миграция инқироzi авж олди. БМТ прогнозига кўра, муҳожирлар оқими келгуси йилда икки баравар ортиши, Европа Иттифоқи маълумотларида эса бу рақам уч бараварга кўтарилиши қайд этилган.

ЯНГИ БАЙРОҚ

қабул қилиш вақти келдими!..



Янги Зеландиянинг янги байроғини танлаш ва унга овоз бериш бўйича ўтказилган референдумнинг бир ойлик биринчи босқичи якунланди. Унда сайловчиларнинг 48,7 foizi фавол иштирок этиб, беш кўринишдаги янги байроқ намуналари учун овоз бердилар. Энг кўп овоз олган байроқ «Кумушранг қирққулоқ» («Silver Fern») бўлди.

Байроқнинг ушбу намунаси дизайнер Кайл Локвуд томонидан тайёрланган бўлиб, қирққулоқ ўсимлигининг қумушранг барглари байроқни тенг иккига ажратган бўлиб, бири мовий, иккинчи бўлағи эса қора рангда. Ўнг томонда эса 4 қизил юлдуз ўрин олган.

Келгуси йилнинг 3 мартдан 24 мартга қадар давом этадиган референдумнинг иккинчи босқичида мамлакат фуқаролари ушбу янги намунадаги байроқни амалдаги байроқ ўрнига қабул қилиш ёки қабул қилмаслик юзасидан овоз берадилар.

Stiff.co.nz сайти хабар қилишича, ўтган йилнинг октябрида мамлакат Бош вазири амалдаги байроқ замонaviй Янги Зеландия манфаатларини тўлиқ акс эттиролмаслиги, унинг Австралия байроғига ўхшаш жиҳатлари мавжудлиги ва мустамакалакидан кейинги илк даврни эслатишини таъкидлаб, янги байроқ қабул қилиш вақти етганлиги ҳақида баёнот берган эди.

■ ПРАГАДА МАМЛАКАТИМИЗ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 23 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКISTONNING ЧЕХИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ (ҚАРОРГОҲИ БЕРЛИНДА) ХАМДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ФРАНКФУРТДАГИ БОШ КОНСУЛЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЗКУР ТАДБИРДА ЧЕХИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АКАДЕМИК ВА ЭКСПЕРТ ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.



■ ЖАКАРТАДА «КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ. МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ. ТАРИХИЙ ТАЖРИБА ВА ЗАМОНАВИЙЛИК» МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УШБУ ТАДБИР ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИНДОНЕЗИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТОМОНИДАН ГУНАДАРМА УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

СПОРТ



ОЛИМПИАДЧИЛАРИМИЗ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасида 2014-2015 йилларда қатор спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлган ҳамда 2016 йилги XXXI ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритган бир гуруҳ спортчилар ва уларнинг мураббийларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси раиси М.Усмонов, маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари М.Алиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етишини таъминлаш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қарори ижроси доирасида 2013 йил 2 апрелда Ўзбекистон Республикаси

си Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон олимпиадачиларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Жамғарма маблағлари республика спорт федерацияларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга йўналтирилмоқда. Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон спортчи ва мураббийларига стипендия тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланиб, спортчи ва мураббийлар муносиб рағбатлантирилмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасининг янги биноси фойдаланишга топширилди, Ўзбекистон спортчиларини тиббий-биологик хизмат ва спорт психологияси билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган марказ ташкил этилди. Спортчиларимиз мамлакатимиз ва хорижда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этиб, таж-

риба ва маҳоратини ошириб бормоқда. Мураббийларнинг билим ва малакасини ошириш мақсадида халқаро ўқув ва илмий-амалий семинарлар ташкил қилинмоқда.

Бу каби эзгу ишлар натижасида спортчиларимиз жаҳон ва қитъа миқёсидаги мусобақаларда улкан ғалабаларни қўлга киритмоқда. Жорий йил спортчиларимиз учун янада масъулиятли бўлди. Жорий йилда 26 спортчимиз Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритди, 24 нафари Паралимпия ўйинлари йўлланмасига эга бўлди.

Рио-де-Жанейро Олимпиадасига енгил атлетикачиларимиз етти, бокс, байдарка ва каноэда эшакка эшиш, оғир атлетика бўйича бештадан, тэквондо (WTF), су-зиш, эркин ва юн-рум кураши усталарида биттадан йўлланма ҳам йўлланмалар берувчи қатор чемпионатлар ва нуфузли турнирлар қўтилмоқда.

Тадбирда жаҳон чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаган спортчилар, уларнинг мураббийлари рағбатлантирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳодиев сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири.

Жорий йилда 26 спортчимиз Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритди, 24 нафари Паралимпия ўйинлари йўлланмасига эга бўлди.

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

РАҚС САНЪАТИНИНГ ЁШ ЮЛДУЗЛАРИ

■ Пойтахтимизнинг «Истиқлол» санъат саройи. «Эътироф — 2015» миллий мукофоти ўз совриндорларини кутмоқда. Ҳамма ҳаяжонда. Ниҳоят, 23 номинация бўйича йил ғолиблари эълон қилина бошланди...

— «2015 йилнинг энг яхши раққосаси» номинацияси ғолиби... Дилором Мадраҳимова!

Нозиккина қиз саҳнага чиқади. Ҳамма уни олқишлайди...

1997 йилда Президентимизнинг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони асосан пойтахтимиздаги хореография билим юрти ҳамда Маданият институтининг (ҳозирги Санъат ва маданият институти) хореография бўлими базасида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ташкил этилган эди.

— Бизда санъатта ҳавас қўйган ёшлар учун узлуқсиз таълим тизими жорий этилган, — дейди Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ректори Шўҳрат Тўхтасимов. — Истеъдодли ўғил-қизларимиз шу соҳага ихтисослашган мактабда таҳсил олади, коллеж ва институт фаолият кўрсатиб турибди. Магистратуранинг бунга қўшилиши нур устига нур бўлди.

Бу ерда нафақат юксак маҳоратли санъат юлдузларини тайёрлаш, балки серкюрра қадимий рақс аъёнларини давом эттириш, ушбу санъат тури бўйича устозлар меросини ўрганиш ишлари олиб боришмоқда.

Ўтган ўқув йили якунида биринчи қалдирғочлар — магистр-битурувчилар мустақил ҳаётга йўлланма олди. Энди улар шу соҳада педагогик-илмий изланишни давом эттиради.

Шогирдларимиз турли халқаро кўриқ-танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни олиб келяпти. Рақс бўйича «Эътироф-2015» миллий мукофотига лойиқ қўрилган Дилором Мадраҳимова ҳам ана шундай истеъдодли ўқувчиларимиздан.

Дилором Мадраҳимова санъаткорлар оиласида вояга етди. Онаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гўлмира Мадраҳимова «Навбаҳор» рақс ансамбли бош балетмейстери, Тошкент давлат миллий



рақс ва хореография олий мактаби катта ўқитувчиси.

Дилором олти ёшлигидан рақсга қизиқди. Тўққиз ёшида республика фестивалида «Шўх қиз» халқ рақси билан қатнашиб, ҳакамлар томонидан биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Ёш раққоса Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабиде таҳсил олди, ҳозир ушбу даргоҳнинг балетмейстер-режиссёрлик бўлимида ўқиш билан бирга, «Навбаҳор» рақс ансамбли раққосаси сифатида барча оммавий тадбирларда иштирок этиб келаётир.

— 2015 йилда Санкт-Петербург шаҳрида «Art-Premium» ижодий бирлашмаси томонидан хореография санъати бўйича «Под небом Петербурга» деб номланган III халқаро танловда халқ рақси йўналиши бўйича Гран-при — бош совринга сазовор бўлдим ва Париж шаҳрида ўтказилган «PARIS DE LA DANCE» халқаро танловда иштирок этиш учун сертификат олдим, — дейди Дилором Мадраҳимова.

— Илм даргоҳимизда санъат соҳасида ўз истеъдодини намоён қилаётган ёшлар учун барча шароитлар яратилган, — дейди хореография факультети декани ўринбосари Бахтиёр Алимов. — Биз қўлчан турли вилоятларда бўлиб, узоқ қашлоқлардан ана шундай истеъдодларни топиб, мактабимизга жалб қиламиз.

Илм даргоҳи ўқитувчилари таъкидлаганидек, санъат соҳасида яратиб берилаётган шароит ва имкониятлар тўғрисида ёшларимиз ўз истеъдодларини намоён этишмоқда. Эришилган ютуқлар эса уларни янги марралар сари руҳлантиради.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ
МАРКАЗИДАҲарбий хизмат
— олий шараф

Президентимизнинг 2015 йил 9 декабрдаги «Ватан ҳимоячилари кўнига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги Фармойиши асосида юртимиз бўйлаб «Таянчим ва суяним, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шiori остида Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан Мудофаа вазирлиги ва вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан «Миллий армиямиз — ҳарбий хизматчиларнинг мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабидир» мавзуда матбуот анжумани ташкил этилди.

Дунёда касблар жуда кўп, аммо киндик қонинг томган Ватанимизни ҳимоя қилишдан ортқ шараф йўқ. Ватан — бу инсонга ато этилган энг кутлуғ неъмат, табарруқ гўша, муқаддас туپроқдир.

Бугун Қуролли Қўларимиз сафиде хизмат қилиш, Ватан ҳимоячиси деган номга муяссар бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланган. Ҳарбий хизматни Ватани, халқи олдидаги муқаддас бурч, шарафли вазифа, деб биладиган ёшлар миллий армиямизда истифодан муносиб ўрин эгалламоқда. Истиқлол фарзандлари — билимли, мустақил фикрлайдиган, дунёқараш кенг, мард ва соғлом ўғлонлар миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётгани ҳаётимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги ишончли қўлларда эканидан далolatдир.

Матбуот анжуманида таъкидландики, мамлакатимизда белгиланган тадбирларни юқори савияда ўтказиш учун кенг қўлдан тадбир режа ишлаб чиқилган. Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган тадбирлар Жамоатчилик кенгаши аъзолари, таниқли фан арбоблари, ижодкорлар, зиёлилар, маданият, спорт соҳаси вакилларида иборат тарбият-ташвиқот ҳамда ижодий гуруҳлар томонидан ташкил этилади. Ҳарбий қисм ва муассасаларга, юрт тинчлигини сақлаш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатаётган, юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган ҳарбий хизматчиларнинг маҳалалар, қорхоналар ва таълим муассасаларига ташрифлари уюштирилди.

Матбуот анжуманида ўсиб келаётган ёш авлод қалбиде миллий армиямизга нисбатан фахр-ифтихор туйғуларини янада ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари Мудофаа вазирлиги қўшинларида амалга оширилаётган ишхотлар, янгиланишлар ҳақида ҳам батафсил маълумотларга эга бўлди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги йил шукуҳи

БОЛАЖОНЛАР
ҚУВОНЧИ

Янги йилни ҳаммадан кўпроқ болалар интиқлик билан кутади, Қорбобо ва Қорқизни кўришни орзу қилади. Мамлакатимизда Янги йил шукуҳи кеziб юрган шу кунларда турли идора-ташкilotлар томонидан байрам тадбирлари ўтказилляпти.

Улардан бири Ички ишлар вазирлигининг Маданият саройида бўлиб ўтди. Унда вазирликнинг спорт-соғломлаштириш комплекси ва Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларига «Янги йил арчаси» томошаси намоиш этилди. Эртак қаҳрамонлари билан қувончи ичига сиғмай ўйнаётган болалар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Улар арча атрофида Қорбобо ва Қорқизга шеърлар айтиб беришди. Эртак қаҳрамонлари айтган топишмоқларга жавоб топиб, совға-салом олишди.

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ
олган сурат.

ТАНЛОВ

«ИЖОДИМИЗ
СЕНГА,
ВАТАН!»


Жорий йилнинг февраль ойида «Ижодимиз сенга, Ватан!» — ёш бастакорлар республика танлови эълон қилинган эди. Мазкур танлов ёш истеъдодларни излаб топиш, Ватанимиз мадҳ этувчи янги асарлар яратилишини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Танловнинг биринчи саралаш босқичи жорий йилнинг 2-3 ноябрь кунлари ўтказилди. Унда 76 нафар ижодкорнинг 83 ижодий иши ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилди.

Танловда маданият ва санъат йўналишидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари ҳамда ўқитувчилари, профессионал бадиий жамоалар ҳамда ташкилотлар ходимлари, маданият ва санъат муассасалари вакиллари иштирок этди.

Танловнинг якуний республика босқичи 2015 йил 23 декабрь кўни бўлиб ўтди. Шунингдек, ушбу танлов доирасида «Ўзбекистон композиторлари ижоди ёшлар нигоҳида» мавзусида илмий анжуман ва маҳорат дарслари ҳам ўтказилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



Yangi yilning har bir kuni
tinchlik va baxt olib kelsin!

InfinBANK

Хизматлар лицензияланган.

AVTOSALON
«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ
ZAZ Forza
Дл.: 109 л.с.
Бензин / газ

LADA
Lada Niva бизнес-пикап, 4x4
Дл.: 90,92 л.с. - Бензин / газ

UAZ

ЎЎЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТНАЗИШ, ПРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Амир Темури шоҳ кўчаси, 110-уй.
Мўлжал: Телевизион минора қаршида.
Телефонлар: (+998 71) 212-08-70, (+998 95) 177-01-17, (+998 95) 194-34-51.
www.sardor-avto.uz

Махсуслотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

«AGROREMMASH SERVIS» МЧЖ

қуйидаги қишлоқ хўжалик машина ва техникалари учун
двигатель (тури Д 243-202, «УКХ»ММЗ) Белоруссия) ҳамда
Россияда ишлаб чиқарилган эҳтиёт қисмларни тақлиф этади.

Маълумот учун телефонлар: (371) 269-35-99; (99894) 514-58-33;
(99890) 901-69-63 (99894) 479-64-00; (99894) 611-61-01; (99890) 995-40-66.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonamanzili: Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259
10402
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

4772010743006

1 2 3 4 5 6